

**МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИСТИҚБОЛЛАРИ
(Давлат хизматчилари ва юридик кадрлар тайёрлаш тизими мисолида)**

Махмудов Фируз Бахтиёр ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар
бўйича профессионал ўқитиш маркази
директори ўринбосари, PhD
+998919524434, firuzbek2015@mail.ru
ORCID: 0000-0001-9036-0277

Аннотация

Мазкур тезисда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий истиқболлари, хусусан юридик фаолият ва давлат хизмати тизимида малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада хусусий таълим тизими ва кадрларни ишга қабул қилиш бўйича ягона стандартларни жорий этиш истиқболлари миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб муҳокама қилинган.

Калит сўзлар. Давлат хизмати, юридик кадрлар, юриспруденция, юридик касбга киришнинг ягона стандарти, хусусий таълим.

Кириш

Бугунги меҳнат бозорида юридик фаолият ва бошқа касбларнинг замонавий кўринишларнинг кириб келиши халқаро, миллий ва замонавий талаблар асосида юридик ва давлат хизматида оид касбларни эгаллашнинг ягона стандартини жорий этишни талаб этади. Юридик касбга киришнинг ягона стандарти юридик хизмат ва юридик ёрдам фаолиятининг меҳнат бозорида сифатли бўлиши ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек аҳолининг малакали юридик ёрдам олишини таъминлашдаги асосий механизм ҳисобланади.

Бундан ташқари, малакали кадрларни тайёрлашда таълим тизими ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада хусусий таълимнинг ҳам охириги йилларда мамлакатимизда оммалашаётганлиги юридик фаолият ва давлат хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнида айрим муҳим масалаларни инобатга олишни назарда тутди.



Айни шу жиҳатдан, қуйида қатор халқаро тажриба ва жорий миллий амалётдан келиб чиқиб, юридик ва давлат хизмати фаолияти билан боғлиқ касбга киришнинг ягона стандартига оид.ю шунингдек бу борада малакали кадрларни тайёрлашда хусусий таълим фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Дунё бўйлаб талабаларнинг атиги учдан бир қисми (**33%**) хусусий олий таълимда таҳсил олади. Тахминан, **70%** талабалар давлат иштирокидаги ОТМларда ўқийди. Самарали хусусий университетлар ва хусусий таълим фаолиятини ривожланган мамлакатларда жойлашган университетлар мисолида кўриш мумкин. Бу борада **Америка** биринчи ўринда туради, минтақадаги деярли **45%** ОТМлар хусусий ҳисобланади. **Бразилияда** талабаларнинг **72%** хусусий ОТМларда таҳсил олади. **Японияда** деярли **79%**, **Жанубий Корея** ва **Филиппинда** ҳам хусусий ОТМларда ўқийдиган талабалар сони кўп. Аммо бу ОТМлар қандайдир шахсларга тегишли эмас. Кўпинча улар йирик компаниялар томонидан яратилган ўзига хос корпоратив ОТМлар ҳисобланади. Яъни самарадорликка эришган аксарият хусусий юридик ОТМларда **корпоратив бошқарув механизлари** жорий этилган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида нодавлат олий таълим фаолиятига оид ўрнатилган тартиб ва амалиётга этибор қаратилса, махсус лицензия асосида мазкур фаолият билан шуғилланиш тартиби ўрнатилганлигини кўриш мумкин. Тегишли қарор¹ билан минимал талаблар белгиланган бўлса-да: университетда асосий менежер бўлган раҳбар кадрларга талабнинг белгиланмаганлиги;

молиявий асосларининг барқарор эмаслиги;

асосий фаолият бизнес-тадбиркорликка қаратилганлиги;

баҳолаш ва ягона имтиҳон тизимининг тармоқлашганлиги;

қабул, квота, ўқишга кириш ва дарсда қатнашиш тизими назоратининг етарли эмаслиги;

таълим сифати ва педагоглар таркиби билан боғлиқ муаммолар университетнинг асосий **махсулоти ва бренди бўлган кадрлар сифатига таъсир қилмоқда.**

Шу ўринда қиёслаш учун хусусий юридик таълим жорий этилган дунёнинг топ хусусий университетлари ва уларда таълимни ташкил этиш тажрибасига эътибор қаратиш мумкин:

Stanford University (AQSH);

¹ <https://lex.uz/docs/5870213>



New York University (AQSH);
University of Cambridge AQSH);
University of Oxford (AQSH);
Yale University (AQSH);
Harvard University (AQSH);
London School of Economics and Political Science (Buyuk Britaniya);
University of Melbourne (Avstraliya);
National University of Singapore (Singapur);
The University of Chicago (AQSH).²

Хорижий тажриба. Бугунги халқаро рейтингда етакчи ўринларда турган университетларни таҳлил қилса, уларнинг универсал соҳалар бўйича кадр тайёрловчи ОТМ эканлигини, дастлабки фаолияти юриспруденция бўйича кадр тайёрлаш бўлмаганлигини, вақт ва ресурс, тажрибадан сўнг ҳуқуқ, тиббиёт соҳалари бўйича хусусий тартибдаги таълимга рухсат берилганлини кўриш мумкин. Масалан, **Хитойда** давлат университетлари меҳнат бозори талабларига асосан етарли даражада кадрлар тайёрлаб бера олмаганидан сўнг, хусусий университетлар очишга рухсат берган.

Сингапурдаги энг нуфузли юридик соҳалар бўйича кадр тайёрлайдиган университетлар (National University of Singapore, Singapore Management University, Singapore University of Social Sciences, BAC College Singapore, Sorbonne-Assas International Law School)) фаолиятига эътибор қаратилса, аксариятининг универсал фаолиятга ихтисослашганлигини, асосий молиялаштириш катта корпорация ва бизнес вакиллар томонидан эканлигини, ҳуқуқ бўйича алоҳида факультет (Department of Law) ёки курси борлигини ҳам кўриш мумкин³.

Бошқа қатор **Осиё мамлакатларида** хусусий юридик университетлар ривожланиши жараёнида, уларда дастлаб хорижнинг нуфузли юридик олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш, кейинчалик тартиб миллий доирада ҳам хусусийлашганлигини кўриш мумкин.

Айрим мамлакатларда эса хусусийлаштириш ижобий қабул қилинмаганлигини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, **Ҳиндистонда** хусусий юридик олий таълим муассасаларига ўқишга кирган талабаларнинг имтиҳонлардан муваффақиятли ўта олмаганлигини таҳлил қилиш юзасидан ўтказилган тадқиқот хулосаларига кўра бу борадаги асосий муаммо ўқишга

² <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/2023/subject-ranking/law>

³ <https://globalscholarships.com/best-law-universities-singapore/>



кириш тартиби хусусий университетларда давлат юридик университетларига караганда анча осонлиги, асосий масала талабгорда фундаментал билимлар шаклланганлигини аниқлаш эмас, асосан даромад манбаига бўлган эътибор сабабли эканлиги аниқланган.⁴ Жамоатчилик томонидан юридик таълимнинг хусусийлаштирилганлиги бўйича танқидларда босқичма босқич давлат университетлари қолмаётганлиги, моддий имконияти бўлмаганлар нисбатан қиммат бўлган хусусий ОТМларда ўқий олмаслигини, таълим ҳақи қимматлигини ва сифатнинг пастлиги кўрсатишган.⁵

Шу ўринда бутун дунёда **“Юридик таълим хусусийлаштирилиши керакми?”** деган ном остида машҳур бўлган қатор тадқиқотлар, мақола ва таҳлилларга эътибор қаратилса, баҳс катталигини кўриш мумкин. Айрим субъектлар хатто юридик таълимни хусусийлаштирилганликдан афсусда эканлиги⁶, Амазон сайти орқали эълон қилинган мақолада эса юридик таълимнинг хусусийлаштирилганлиги адолат ва қонунийликни тушишига, олиб келганлиги ҳам қайд этилган⁷. Буюк Британияда 1996 йилда юридик соҳани хусусийлаштиришнинг рисклари ҳам атрофлича таҳлил қилиб берилган⁸.

Ўзбекистон меҳнат бозорида хусусий юридик таълимга эҳтиёж ва талаб борми? 2022/23-ўқув йилида 16 та давлат олий таълим муассасаларида юриспруденсия йўналиши бўйича ўқишга қабул амалга оширилган. Тасдиқланган квота эса сиртқи, кундузги, кечки ва масофавий таълим шаклида жами 2340 тани ташкил этган. Бундан ташқари, университетларда табақалаштирилган контракт асосида ҳам қабул амалга оширилган. 2023/24 йилидан бошлаб, контракт асосида қабул қилиш ўринларини ОТМларнинг ўзлари белгилашларига оид тартиб ўрнатилганлиги жорий йилдан юқоридаги сонларнинг ошиши мумкинлигини ҳам кўрсатади. Шу билан биргаликда, Адлия вазирлигининг юридик техникумлари ва тегишли таълим муассасаларида қайта тайёрлов курсларига ҳам қабул амалга оширилиб меҳнат бозори учун юристлар тайёрлаб берилмоқда. Юқоридаги сонлардан келиб чиқиб, меҳнат бозори талаби ўрганилганда, барча битирувчиларни ўз соҳаси бўйича бандлигини таъминлаш имконияти чекланганлигини кўриш мумкин.

⁴ <https://www.legalserviceindia.com/legal/article-8293-why-do-law-students-in-private-colleges-fail-in-their-duty-to-study-.html>

⁵ <https://cjp.org.in/failings-of-indian-legal-education-system/>

⁶ <https://heinonline.org/HOL/LandingPage?handle=hein.journals/twch41&div=10&id=&page=>

⁷ <https://www.amazon.com/Legal-Education-Privatization-Market-Australian/dp/1530801281>

⁸ <https://core.ac.uk/download/pdf/159609087.pdf>



Энди эса таҳлилни малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва бу борада касбга кириш ва унда самарали фаолият юритиш учун зарур бўлган юридик касбга киришнинг ягона стандартига оид таҳлилларга эътибор қаратамиз. Бу борадаги халқаро тажрижа бир қанча хорижий мамлакатларда жорий этилганлигини кўриш мумкин, хусусан, **Юристлар учун стандарт ва қоидалар қўлланмаси** (SRA Standards and Regulations)⁹ жорий этилган бўлиб, у Солистерлар учун ўзини тутиш қоидалари, Юридик касб принциплари, Шахсларнинг идентификация қоидалари ва Шаффофлик қоидаларини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, **Америка Бар Ассоциациясининг Наъмунавий қоидалар ва касбий хулқ-атвор қоидалари** (American Bar Association Model Rules of Professional Conduct) қабул қилинган¹⁰. Мазкур касбий стандартлар юрист-мижоз ўртасидаги (Client-Lawyer Relationship), юристнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини, ўқини тутиш қоидаларини, касбий фаолиятни ташкил этиш стандартларини белгилаб берган.

Бундан ташқари, **Халқаро Бар Ассоциацияси стандартлари**, хусусан, Халқаро одоб-ахлоқ кодекси (International Code of Ethics (1988))¹¹, Юридик касб эгаларининг халқаро принциплари (International Principles on Conduct for the Legal Profession (2011))¹² ва Юристларнинг аҳамияти тўғрисидаги Фундаментла принциплар (Basic Principles on the Role of Lawyers (1990))¹³ каби юридик касб стандартлари ҳам қабул қилинган.

Шунингдек, Халқаро Бар Ассоциациясининг (International Bar Association) 1990 йилдаги **Юридик касб мустақиллигининг ИВА стандартлари** (IBA standards for the independence of the legal profession (adopted 1990))¹⁴ қабул қилинган бўлиб, унинг алоҳида қисми сифатида Юридик касбга киришнинг стандартлари белгилаб берилган.

Унга кўра, ҳар қандай шахс ҳеч қандай дискриминациясиз юридик таълим олиши ва юридик касб фаолити билан шуғилланиши мумкинлиги, юридик фаолият юрист сифатида фаолият олиб бориш учун талаб қилинадиган амалий кўникма ва билимлар, касбий, ҳуқуқий ва ахлоқий бурчлар, умумқабул

⁹ <https://www.sra.org.uk/solicitors/handbook/> <https://www.sra.org.uk/solicitors/standards-regulations-resources/>

¹⁰ https://en.wikipedia.org/wiki/American_Bar_Association_Model_Rules_of_Professional_Conduct

¹¹ <https://www.ibanet.org/MediaHandler?id=DAD036E7-AF03-4BFC-806B-6A5CA4A0775A>

¹² [https://www.icj.org/wp-](https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/10/IBA_International_Principles_on_Conduct_for_the_legal_prof.pdf)

[content/uploads/2014/10/IBA International Principles on Conduct for the legal prof.pdf](https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/10/IBA_International_Principles_on_Conduct_for_the_legal_prof.pdf)

¹³ <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/basic-principles-role-lawyers>

¹⁴ <https://www.ibanet.org/MediaHandler?id=F68BBBA5-FD1F-426F-9AA5-48D26B5E72E7>



қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Бундан ташқари, Халқаро юристлар Ассоциацияси томонидан 2018 йил 30 октябрда **Юридик касбнинг асосий принциплари ҳужжати** (Core principles of the legal profession) ҳам қабул қилиниб, унда юридик касб фаолиятининг эркинлиги, устуворлиги ва махфийлигига оид қоидалар, шунингдек ахлоқ стандартлари, компетемсия талаблари ва бошқа касбий стандартлар белгиланган. Шунингдек, 2006 йил 25 ноябрда Европа Адвокатлар кенгаши ва ҳуқуқ жамиятлари (Council of Bars and Law Societies of Europe – CCBE) томонидан **Европа юристларининг юридик касб хартияси** (Charter of Core Principles of the European Legal Profession) ҳам қабул қилинган. Бу ҳужжатда юрист касбининг аҳамияти, юрист касби фаолиятининг қоида ва стандартлари, Юридик фаолият принциплари, юристнинг мижоз билан, судлар билан, бошқа ташкилотлар билан ва бошқа юристлар билан муносабатларда касбий стандартларига оид нормалар белгилаб берилган.

Буюк Британияда юридик касбга киришнинг ҳуқуқий ҳуқуқий тартиботи.

Англияда юридик фаолият Юридик хизматлар тўғрисидаги қонунда (Legal Services Act 2007 (LSA)) белгилаб қўйилган.¹⁵ Яъни касбнинг умумий стандартлари, норматив ҳужжат асосида тартибга солинган.

Юридик касбнинг умумий белгиланган стандартлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Юриспруденцияда юристларнинг касбий классификацияси (ким қайси лавозимда, қайси фаолиятда шуғилланиши мумкин, масалан, нотариат, фуқаро ҳуқуқлари ижроси, суд жараёнида иштирок, тасдиқлаш фаолияти ва бошқа);

Юридик касбга кириш учун талаб этиладиган билим ва малакани тасдиқловчи таълим босқичи талаблари (Академик босқич (университет ва аспирантура), касбий босқич (малакадан олдин касбий тайёргарлик), амалиёт босқичи (continuing professional development (CPD)));

Амалий сертификат/лицензия олиш учун қўйилган талаблар;

Юридик касб эгаларига қўйилган чекловлар;

Қайси юридик соҳа вакилининг қайси юридик соҳада фаолият олиб бориши мумкинлиги – ҳуқуқ ва ваколатлари;

¹⁵ [https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/7-633-7078?transitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)&firstPage=true](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/7-633-7078?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true)



Юристар роя қилиши керак бўлган ёзма хулқ-атвор қодалари (касбий сифат ва этика стандартлари).

Бундан ташқари, Барристерлар учун Касбий фаолият стандартлари (BSB Handbook) ишлаб чиқилган.

Юридик касбга кириш юзасидан миллий қонунчиликнинг жорий ҳолати

Миллий ҳуқуқ тизими ва амалиётни таҳлил қилганда, юридик кадрлар тайёрлаш тизимининг тармоқлашганлиги, турли вазирлик ва идоралар тизимида юридик кадрлар тайёрланаётганлигини, юридик касбга киришда эса ҳар бир тизимининг турли тартиботлари мавжудлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, юридик касб эгаларига универсал ва уникал – ягона касбий стандартлар мавжуд эмас. Шунингдек юридик касб эгаларининг ягона реестири – рўйхати ҳам мавжуд бўлмасдан, фаолиятни бошлаш, аттестация, вазифа ва ваколатлар тақсимоти, имтиҳон тизими, малака ошириш, касбга кириш талаблари тармоқлашганини кузатиш мумкин.

Халқаро тажриба ва миллий амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида Юридик касбга киришнинг ягона стандартини жорий этишда қуйдагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, хусусан:

Юридик касбларнинг ягона рўйхатини тасдиқлаш ва Адлия вазирлиги томонидан реестрини юритиб бориш;

Юридик касбга киришда ягона имтиҳон тизимини жорий этиш;

Юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалар учун ягона стандартларни жорий этиш

Таълим дастурлари ва кадр тайёрлаш тизимини бир хил стандартлаштириш.

Юридик касбга киришнинг ягона стандартида:

- а) маълумот ва мутахассисликка оид (диплом ва бошқа) стандартларни белгилаш;
- б) юридик касб эгаларининг ёши, тажрибаси, иш стажига оид стандартларни белгилаш;
- в) юридик касб эгаларининг одоб-ахлоқ ва ўзини тутишига оид стандартларни белгилаш;
- г) юридик касб эгаларининг фаолиятни амалга ошириш давомидаги касбий стандартларини белгилаш;
- д) юридик касб эгаларининг мунтазам равишда профессионал ва шахсий ривожланишига (узлуксиз таълим, тренинг ва курсда иштирок, юмшоқ кўникмаларни ривожлантириш ва ҳоказо)га оид стандартларини белгилаш;



Бундан ташқари, ягона стандартни жорий этиш баробарида стандартларнинг ишлаш механизми самарали бўлиши учун қуйидагиларга эътибор бериш мумкин:

Юридик касбни ривожланиши ва юридик хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифатини таъминлашга қаратилган мажбурий стандартлар;

Истеъмолчига юридик ёрдам ва хизмат сифати учун кафолатлар бериш (истеъмолчига у ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ишониб топширган юристнинг малакаси, тоифаси, тажриба ва билими ва бошқа касбий ва шахсий сифатлари бўйича ортиқча текшириши ёки аниқлаши бўйича ортиқча вазифа қолмаслиги керак.);

Юристарга уларнинг ўз касбий бурчини бажариши давомида давлат ёки қар қандай учинчи шахсларнинг ноқонуний аралашидан ҳимоялашга оид кафолатлар берилиши керак;

Юридик касбнинг ички меҳнат бозорини ҳимоя қилиш ва юридик касб мақомини янада ошириш.

Хулоса. Албатта, давлат хизмати ва юридик фаолият билан боғлиқ касбларнинг ривожланиши ва бу соҳанинг такомиллашувига таълим тизимининг, шунингдек касбга киришнинг стандартлари муҳим ўрин тутди. Хусусий таълимнинг ижобий жиҳатларини эса унинг кенг рақобатни таъминлаши, натижада сон кўрсаткичидан сифатга ўтилиши ва бошқа ютуқлари асосида дунё тажрибаси исботлаб берган. Лекин шу тажрибага қараладиган бўлса, йўлга қўйилган механизмлар сифатга олиб боришдаги асосий восита эканлигини кўриш мумкин. Мамлакатимизда бу тизимининг ёш эканлиги ва тажриба шаклланиши ва илғор халқаро стандартларини жорий этиш зарурлиги, шунингдек миллий меҳнат бозорининг амалдаги талабини ҳамда амалдаги нодавлат таълим бўйича шаклланган амалиётнинг камчиликларини инобатга олган ҳолда давлат ва жамият бошқарувида ўта муҳим бўлган соҳа – давлат хизмати ва юриспруденция соҳаси бўйича олий маълумотли кадрларни тайёрлашни хусусий секторга бериш масласи айни вақтда мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, Юридик касбга киришнинг ягона стандартини қабул қилиш асосида бу борадаги ягона мезон ва талабларни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу давлат хизмати ва юридик фаолият самарадорлигига хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/docs/5870213>
2. <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/2023/subject-ranking/law>
3. <https://globalscholarships.com/best-law-universities-singapore/>
4. <https://www.legalserviceindia.com/legal/article-8293-why-do-law-students-in-private-colleges-fail-in-their-duty-to-study-.html>
5. <https://cjp.org.in/failings-of-indian-legal-education-system/>
6. <https://heinonline.org/HOL/LandingPage?handle=hein.journals/lwtch41&div=10&id=&page=>
7. <https://www.amazon.com/Legal-Education-Privatization-Market-Australian/dp/1530801281>
8. <https://core.ac.uk/download/pdf/159609087.pdf>
9. <https://www.sra.org.uk/solicitors/handbook/>
10. <https://www.sra.org.uk/solicitors/standards-regulations-resources/>
11. https://en.wikipedia.org/wiki/American_Bar_Association_Model_Rules_of_Professional_Conduct
12. <https://www.ibanet.org/MediaHandler?id=DAD036E7-AF03-4BFC-806B-6A5CA4A0775A>
13. https://www.icj.org/wpcontent/uploads/2014/10/IBA_International_Principles_on_Conduct_for_the_legal_prof.pdf
14. <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/basic-principles-role-lawyers>
15. <https://www.ibanet.org/MediaHandler?id=F68BBBA5-FD1F-426F-9AA5-48D26B5E72E7>
16. [https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/7-633-7078?transitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)&firstPage=true](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/7-633-7078?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)&firstPage=true)

